41296

КЕЛГУСИ ЙИЛ ҒАМИДА

ЖИЗЗАХ. Жорий йил сабоқларидан хулоса чиқарган қўриқ вилоят деҳқонлари кейинги давр мобайнида биринчи марта мавжуд экин майдонларини тўлалигича кузда шудгорлашга аҳд қилдилар. Бу муҳим юмушни рисоладагидек амалга ошириш учун нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақида Зафаробод туманидаги Собир Раҳимов номли ширкатлар уюшмасида ўтказилган кўргазмали семинарда сўз юритилди. Мазкур тадбирда вилоятнинг кўпни кўрган деҳқонлари, тажрибали мутахассислари ўз фикрларини билдирдилар, АҚШда ишлаб чиқарилган "Кейс" русумидаги тракторлардан фойдаланиш ҳақида сўз юритилди. Кўргазмали семинарда вилоят ҳокими Шавкат Мирзиёев сўзга чиқди.

Турдибой СОЙНАЗАРОВ.

СОҲИБҚИРОНГА ЭҲТИРОМ

АНДИЖОН. Хайрли ишнинг кечи йўқ, дейишади. Шаҳрихон шаҳри марказида буюк бобокалонимиз Амир Темур номи билан аталувчи хиёбон барпо этилди. Бу муборак қадамжонинг марказида курраи замин — глобусда Ўзбекистон дунёдаги мустақил мамлакат тимсоли ўз ифодасини топган. Шунингдек, бу ерда "Маърифат ва маънавият" маркази фаолият кўрсатмоқда. Соҳибқирон даҳосидан миннатдор шаҳрихонликлар эса эзгу мақсадлар йўлида саъй-ҳаракат қилишмоқда.

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

СЎНГГИ СОАТДА

янгиликлар, воқеалар, хабарлар

НАВБАҲОР ШОЛИСИ

НАВОИЙ. Навбаҳорда ғалла ва пахтачилик билан бир қаторда шоличиликка ҳам эътибор бериляпти. Зарафшон дарёси соҳилларидаги серсув ерлардан қарийб минг гектари ўзлаштирилиб, шоли экилди. Айни кунларда "Янгиқўрғон", "Зарафшон", Навоий номли, Охунбобоев номли жамоа хўжаликларида шолини ўриш ва янчиш ишлари якунланмоқда.

Музаффар ШАРОПОВ.

"ОДИЛ ДОН" ДЎКОНИ

ТОШКЕНТ. Янгиобод бозорида "Одил дон" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига қарашли дўкон очилди. Иссиқ нон ва турли қандолатлар билан савдо қилувчи бу дўкон замонавий кўринишга эга. "Мақсад аҳолига, қолаверса, жамиятимиз аъзоларига муносиб хизмат қилиш, — дейди дўкон директори Саида Шомагдиева, — ҳозирча саккиз турдаги нон маҳсулотлари билан савдо қиляпмиз".

Эркин ЭСИРГАДИЕВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 26 ноябрь, сешанба № 151 (22.072).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Матбуот кўзгусида

ДАЛИЛЛАРНИ РАД ЭТИБ БЎЛМАЙДИ

Қуйида келтириладиган кўрсаткичлар жадвали «Независимая газета»нинг 1996 йил 22 ноябрь сонида эълон қилинган. Москвада чиқадиган ушбу газета ўтган ҳафтанинг охирида ўз шарҳловчиси Игор Гундаровнинг «Россияда феодализмнинг муваффақиятли ривожланиши» деб киноя номланган мақоласини босиб чиқарди. Мақолада Россия Федерациясида 1991 йилдан 1996 йилнинг биринчи ярмигача бўлган даврда бозор ислоҳотларининг амалга оширилиши ҳамда иқтисодий вазият батафсил таҳлил этилган. Рақамлар таққосланган 100 фоиз кўрсаткичи 1990 йилга нисбатан олинган.

Муаллифнинг бирорта сўзини ўзгартирмаган ҳолда мақоладан атиги битта кўчирма келтирамиз:

«Россия ислоҳотларни амалга ошириш борасида ҳатто МДҲ давлатлари ўртасида энг сўнгги ўринлардан бирини эгаллайди (бунга ишониш қийин, аммо рақамларни рад этиб бўлмайди). Россия 1996 йилда саноат ишлаб чиқариши даражаси бўйича 1990 йилга нисбатан 47 фоизлик кўрсаткич билан Ўзбекистон (106 фоиз), Туркманистон (81 фоиз), Белоруссия (63 фоиз), Украина (55 фоиз), Қозоғистон (48 фоиз), Арманистон (48 фоиз)дан кейинда қолиб кетди. Молдавия (43 фоиз) ва Озарбойжон (41 фоиз) биз билан изма-из келмоқда. Фақат Қирғизистон (39 фоиз) ва Грузия (18 фоиз) биздан анчагина ортда қолмоқда».

Муаллиф келтирилган далилларга таяниб, Россиядаги ислоҳотларда ғалати зиддият кўзга ташланади, деб хулоса чиқаради. Яъни, Россия иқтисодиёти социализмдан бозор иқтисодиётига ўтиш ўрнига, хўжалик юритишнинг феодал усуллари сари оғиб бормоқда...

Бунинг бизга ҳеч қандай тегишли жойи йўқ, албатта. Бироқ масаланинг бошқа томони диққатга сазовор: «Независимая газета» статистиканинг холис маълумотларига таянган ҳолда мамлакатимизни иқтисодиётни ислоҳ қилиш натижаларига кўра собиқ совет ҳудудидаги республикалар орасида биринчи ўринга қўймоқда. Гарчи газетада илгари эълон қилинган кўпгина материалларга назар ташлаган киши бу матбуот органининг мустақил Узбекистонга унчалик меҳри баланд эмаслигига амин бўлади... Нима ҳам дердик, газетанинг ўзи эътироф этганидек, далилларни рад этиб бўлмайди.

А. БАРАНОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЭКИНЛАРИ ПАЙҲОН ҚИЛИНИШИГА ҚАРШИ КУРАШНИ КУЧАЙТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Жойлардаги аҳволни ўрганиб чиқиш Узбекистон Республикаси Президентининг «Экинларни пайҳон қилишга қарши курашни кучайтириш тўғрисида» 1994 йил 21 ноябрдаги Фармонини ва ушбу масала бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 6 ноябрдаги 423-сон қарорини бажариш юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, вазирликлар ва идораларнинг ташкилотчилик ишлари айтиб ўтилган ҳужжатлар талабларига жавоб бермаслигини кўрсатмоқда. Кўпгина хўжалик раҳбарларининг бепарволиги ва масъулиятсизлиги, ижро интизомининг пастлиги ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Узбекистон Республикаси Прокуратураси томонидан амалий чоралар қўрилмаганлиги натижасида чорва моллари пайҳон қилиши туфайли ғалла, пахта, мева-сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нобудгарчилиги камаймаяпти.

Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, мулкчиликнинг барча шаклларидаги хўжаликларнинг раҳбарлари эътибори қишлоқ хўжалик экинлари, мевали дарахтлар, узумзорлар ва ихота дарахтзорлари зоналари пайҳон қилинишига қарши кураш қониқарсиз ташкил этилганлигига, чорва моллари пайҳон қилиши натижасида экинларга, дарахтларга зарар етказаётган шахсларга нисбатан етарлича талабчанлик кўрсатилмаётганлигига қаратилсин. Шу мақсадларда:

Қишлоқ хўжалик экинзорларида мол боқиш, молларнинг, автотранспорт ёки қишлоқ хўжалик техникасининг экинзорлар орқали ўтиши ҳамда экинларнинг пайҳон бўлишига олиб келувчи бошқа қонун бузишларга қураш кучайтирилсин;

хўжаликларнинг раҳбарларига ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари билан биргаликда экинларнинг пайҳон бўлиши ҳолларини аниқлаш ва бундай қонун бузилишларнинг олдини олиш юзасидан мунтазам рейдлар ўтказиш топширилсин. Экинлар кўп пайҳон бўлган жойларда кузатиш пунктлари ўрнатилсин ва дала қоровуллари белгилансин;

экинларни пайҳон қилиш ҳоллари аниқланган тақдирда пайҳон қилган чорва моллари, автотранспорт, қишлоқ хўжалик техникаси ёки бошқа пайҳон қилиш воситасининг эгасини аниқлашга доир оператив чора-тадбирлар қўрилсин, материаллар айбдорларни қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиш учун тегишли органларга берилсин;

белгилаб қўйилсинки, мулкчилик шаклларидан қатъи назар, корхоналарга, ташкилотларга, шунингдек фуқароларга қарашли пайҳон қилиш воситалари тутиб қолинади ва унинг эгалари ҳамда мулкдорлар томонидан пайҳон қилиш туфайли етказилган зарар тўлиқ қопланган тақдирда қайтариб берилади.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Узбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг қишлоқ хўжалиги экинларини қўриқлаш учун масъул бўлган бўлинмаларига миниш учун отлар ажратсинлар. Отларни сақлаш харажатлари хўжаликлар ҳисобига амалга оширилсин.

3. Узбекистон Республикаси Прокуратураси (Мустафоев), Ички ишлар вазирлиги (Алматов), мулкчилик шаклларидан қатъи назар, хўжаликларнинг ҳамда улар таркибий бўлинмаларининг экинларнинг сақланишини таъминламаган ва уларнинг пайҳон бўлишига йўл қўйган раҳбарларига нисбатан эгаллаб турган вазифасидан бўшатиш, қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортиш масаласини мажбурий тартибда қўйсинлар.

4. Узбекистон Республикаси Прокуратураси (Мустафоев) Узбекистон Республикаси Президентининг «Экинларни пайҳон қилишга қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармонининг бажарилиши устидан назоратни кучайтириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар кўрсин, Узбекистон Республикаси Олий суди (Мингбоев) экинларни пайҳон қилишнинг ҳар бир ҳолати бўйича жазолашнинг муқаррарлигини ва етказилган зарарнинг тўлиқ ундириб олинишини таъминласин.

Узбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (Мирсафоев) экинларни пайҳон қилганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги масала юзасидан қонунчиликни тарғиб қилиш ишларини кучайтирсин.

5. «Узтелерадио» компанияси (Ҳакимов) ҳамда Узбекистон Миллий ахборот агентлиги (Ҳазраткулов) молларнинг экинларни пайҳон қилиши оқибатида халқ хўжалигига етказиладиган зарар тўғрисида матбуот, радио ва телевидение орқали тушунтириш ишларини мунтазам олиб борсинлар.

6. Узбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Узмевасабзавотузумсаноат» уюшмаси, Узбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академияси ҳамда Давлат Урмон қўмитаси билан биргаликда шу йилнинг декабрь ойида экинлар ва дарахт кўчатларини пайҳон қилишга қарши курашиш ишларининг аҳволи ҳар томонлама кўриб чиқсин, ушбу ишларни янада яхшилаш ва уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгиласин ва амалга оширсин ҳамда ҳар ойда Вазирлар Маҳкамасига ахборот бериб турсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Узбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Қ. Обидов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1996 йил 25 ноябрь.

МДҲ мамлакатларида 1991 йилдан 1996 йилнинг 1-ярмига қадар бўлган даврда саноат ишлаб чиқаришнинг ўзгариши.
(1990 йил 100 фоизга тенг)



Шарҳловчи минбари

ТЎҒРИ СЎЗ АЙТИШ ЙЎЛИ

Эл-улуснинг нимаси кўп, яхши, ташвишли куни кўп. Ҳар қандай лаҳзада ҳам одамларимиз бир-бирларидан қувончли хабарлар эшитгиси келади. Гурунгми, ё катта-кичик давралардами, мавзулар аввало ўзимиз, қолаверса, ташқи дунёда содир бўлаётган турли хил янгиликлар хусусида бўлади. Ҳатто уларга мулоҳаза, муносабатлар ҳам билдирилиб, гоҳо катта дунёдан кечикиброқ хабардор бўлаётганимиз очиқчасига айтилади ҳам.

Дарвоқе, бугун кечаги замон эмас. Дунёдан узилиб қолганимиз йўқ. Аксинча, ҳар лаҳзада жаҳоннинг турли нуқталаридан воқиф бўлмоққа барча имкониятлар етарли. Лекин шундай бўлсада, мамлакатимизда ҳалиям ахборотлар тақчиллиги, айниқса ижтимоий-сиёсий жараёнларга зудлик билан муносабатлар билдириш масаласида оқсаётганимиз сир эмас. Бу ҳақда Президентимиз ҳам кўпгина йиғин-мажлисларда куюниб гапирдилар. Энди нима қилиш керак?

Бу ҳаётий саволга Узбекистон Президентининг кечагина эълон қилинган «Узбекистон Республикаси Президенти Девони Ахборот маркази тизими тўғрисида»ги Фармойишида тўла ва батафсил жавоб берилди, десак янгилишмаймиз. Чунки бу Фармойишда мамлакатимизнинг Жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни, айниқса юртимизда олиб борилаётган ўзига хос, ҳақиқий ўзбекистонча сиёсий йўлнинг моҳияти, қадр-қимматини халққа тўла қонли етказиш ва тушунтиришнинг муҳимлиги алоҳида таъкидлангани гоят эътиборлидир.

Тўғри, гоҳо ўзимизча хотиржамликка берилиб, «ҳамма гап-сўздан халқ доим хабардор, кўриб-билиб турибди» деб қўямиз. Аслида-чи? Йўқ, янглишамиз. Нега? Чунки айрим ҳолларда мамлакатимиз сиёсатининг энг одил ҳаками бўлмиш Халққа ҳам тўғри ахборотлар ўз вақтида етиб бормаяпти. Айниқса, озод ватанимизнинг бугунги ва эртанги нурли ҳаётида катта ўрин тутадиган энг муҳим Фармонлар, маъруза ва нутқлар, қонунлар, ҳукумат қарорлари, шунингдек, ички ва ташқи сиёсат бобида рўй бераётган муҳим янгиликларнинг аҳамияти ҳамда долзарблигини энг тезкор ва қулай воситалар — радио, телевидение, оммавий ахборот тизимлари орқали аввало ўз халқимизни, қолаверса, дунё аҳлини ўз вақтида хабардор этиш жуда муҳимдир.

Яқиндагина Президентимиз Узбекистонда жаҳонда рўй бераётган воқеа-ҳодисотлар, катта аҳамият касб этадиган сиёсий-ижтимоий жараёнларга холисона муносабатлар билдирадиган шарҳловчилар йўқлигини жуда тўғри эътироф этган эди. Мана, имконият майдони яна кенгайди. Энди халқимиз бизнинг ёруғ кунларимизни сал хирароқ кўзгуда кўришга ўрганиб қолган Россиянинг қитмир журналист-шарҳловчилари ёзаётган ёлғон шарҳ-мақолаларни эмас, балки ўзимизнинг асл ўзбекона, жиддий, таҳлилий муносабат ва мулоҳазалар билдирилган шарҳларни ўқисин. Бунинг учун ҳамма йўллар очиқ. Фақат гап асл ҳақиқатни айтишда. Ва... халққа қандай етказишда қолди.

Норқобил ЖАЛИЛ,
«Ўзбекистон овози» шарҳловчиси.

ЧИГИТНИ ПЛЁНКА ОСТИГА ОЛИБ

АНДИЖОН. Механика заводида тайёрланган янги техника — чигитни 90х10 схемасида пуштага якка ва қўш қаторлаб экишга имкон беради. Янги қурилмаларнинг қулайлиги шундаки, ҳосилни фақат машиналар ёрдамида теришга йўл очилади. Андижон туманидаги Иброҳим Бакиров номли жамоа хўжалиги далаларида синовдан ўтган бу техникани пахтакорлар яхши баҳолашди. Чигитни плёнка остига оладиган бундай сеялкадан 3 мингта ишлаб чиқариш мўлжалланган.

Ўз мухбиримиздан.

ЭЛЧИ МЕҲМОН БЎЛДИ

***НАМАНГАН.** Япониянинг Узбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Коунчи Обата ва унинг ҳамроҳлари вилоятда меҳмон бўлишиб, «Атлас» ҳиссадорлик жамияти ва шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар. Меҳмонлар вилоят ҳокимлигида қабул қилинди. Вилоят ҳокими Т. Жабборов Тонготар мамлакат вакилларига иқтисодиёт ва маънавият бобида амалга оширилаётган ўзгаришлар ҳамда чет эл инвестицияларидан қандай фойдаланилаётганлиги ҳақида сўзлади.*

Маҳмуджон ПАРПИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ф СП - 1

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ"
(нашр номи) (нашр кўрсаткичи)
рўзномасига ОБУНА
обуна сони
1997 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга
(почта кўрсаткичи) (манзил)
Кимга
(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

РЎЗНОМАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

п. в.	жойи

(нашр кўрсаткичи)

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ"
(нашр номи)

обуна янги манзилга юбориш	баҳоси	сўм	обуна сони
	баҳоси	сўм	

1997 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга
(почта кўрсаткичи) (манзил)
Кимга
(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

ЯНГИ «КЕЙС» ТРАКТОРЛАРИ СИНОВДА

ХОРАЗМ. Американинг кишлоқ хўжалик машиналарини ишлаб чиқарувчи «КЕЙС» компанияси билан ўзаро ҳамкорлик тобора ривож топиб бормоқда. Жорий йилда шу русумли дон комбайнлари буғдой ва шоли ўримида муваффакиятли ишлатилди. Эндиликда вилоятга «Кейс» маркали суриш тракторларининг янги туркуми келтирилди. Вилоят ҳокими Искандар Юсупов бошчилигида туман ҳокимлари, мутахассислар иштирокида ушбу тракторлардан фойдаланиш бўйича кўрик-семинар бўлди. Янги тракторларнинг техник имкониятлари дастлаб Урганч туманидаги «Пахтакор» жамоа хўжалиги далаларида синовдан ўтказилиб, унинг афзаллик жиҳатлари мутахассислар томонидан юқори баҳоланди. Эндиликда «Кейс» суриш тракторлари вилоят хўжаликларида кенг қўлланилади.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — барча ёшдаги, барча касбдаги, барча тоифадаги КИШИЛАРНИНГ ГАЗЕТАСИ

Машҳур селекциончи, фахрий академик Зайниддин ҳожи ФАХРИДДИНОВ:

«Газета билан деярли тенгдошман. Номимнинг элга танилишида «Ўзбекистон овози»нинг ҳиссаси катта».

Ўзбек эстрадасининг янги юлдузларидан бири Маъмура ҚУРБОНОВА:

«Ўзбекистон овози» газетхонлари мухлисларим ҳамдир. Газета орқали қўшиқ ишқибозлари билан доимий мулоқотда бўлиб тураман, деб ўйлайман».

Чилонзор туманидаги 1-Чарх-Камолон маҳалласи фахрийлар кенгаши раиси, фалсафа фанлари номзоди Абдураҳмон ЗИЁДОВ:

«Отахон газетанинг 1938 йилдан буён обуначисиман. Истиқлол нафаси уфуриб турган мақолаларни ўқиганда ёшаргандай бўламан».

БИР ЁНДА ПАХТА ХИРМОН, БИР ЁНДА «ҚИРМИЗИ ДОН»

Йил бошида деҳқонларимиз учун об-ҳаво шароити жуда ноқулай келди. Баҳор кечикди, бунинг устига вилоят далаларида энди авжига кираётган ғўза экинларига очофат кемирувчи-сўрувчи ҳашаротлар бало-қазодай ёпирилди. Бироқ Хоразм вилояти пахтакорлари ана шу қийинчиликлар олдида довдираб қолишмади, тинимсиз меҳнат билан ғалабага эришдилар. Муҳбиримизнинг вилоят деҳқончилик саноати уюшмаси раиси Шоназар ҚИЛИЧЕВ билан суҳбати шу ҳақда.

ХОРАЗМ: 290 МИНГ ТОННА ПАХТА, 102 МИНГ ТОННА ШОЛИ ТАЙЁР!

— Мустақиллигимизнинг бешинчи йилида Хоразм деҳқонлари мамлакатда биринчи бўлиб давлатга шоли сотиш ва иккинчи бўлиб пахта етказиб бериш режасини шараф билан адо этдилар! Мавжуд 100 минг гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 29 центнердан ҳосил йиғиб олиниб, давлат хирмонига 290 минг тонна саноат хом ашёси етказиб берилди. Ҳосилнинг асосий қисми юқори навларга сотилди.

Президентимизнинг Жиззах, Сирдарё, Наманган вилоятлари Кенгашларининг яқинда бўлиб ўтган сессияларида ислоҳотларни жадаллаштириш, қатъий интизом, юксак талабчанликни таъминлаш юзасидан берган курсатмалари, республика Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йилда пахта йиғим-терим мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори деҳқонларимизга катта мадад бўлди.

Мавсумда Хонқа туманидаги У. Абдуллаев бошчилигидаги «Галлаба», С. Машарипов раҳбар бўлган ал-Хоразмий номли, Гурлан туманидаги О. Жонибеков раис бўлган «Ўзбекистон», Дустлик туманидаги С. Аҳмедов бошлиқ Гагарин номли ва бошқа кўпгина жамоа хўжаликлари пахтакорлари пешқадам бўлдилар.

— Бу йилги ғалаба оғирроқ тош босса керак. Негаки, ютуқ қийинчиликлар билан қўлга киритилди?

— Хоразм деҳқони бу йил оғир синовдан ўтди ва нималарга қодир эканлигини яна бир бор кўрсатди.

Биринчидан, баҳорнинг кеч келиши, шур ювишнинг кечга қолиб, қисқа муддатда (28 кунда) ўтказилиши, шунингдек, жуда қийинчилик билан тула ниҳоллар олинганда кўсак қурти, ўргимчаккана, оқ пашша ва 15-20 йилда бир такрорланадиган карадринага (карадрина охирги марта 1974 йилда қишлоқ хўжалик экинларига зарар етказган) қарши кураш осонликча бўлмади. Бу очофатга қарши ҳамма оёққа турди. Тиғиз кунларда пахта далаларида мутахассислар, деҳқонлар билан бир қаторда шаҳарларимиз аҳолиси ҳам елкадош бўлиб далага отландилар, ҳар ким қўлидан келганича ҳашаротга қарши кураш олиб борди. Бу ишда республикамиз раҳбар ва мутахассисларининг ёрдами ҳам катта бўлди.

— Андижонлик пахта усталари тажрибасига муносабатингиз?

— Биз, бир гуруҳ мутахассислар Андижонда икки марта бўлдик. У ерда плёнка остига пахта экиш технологияси билан, шунингдек, бугдойнинг янги навларини экиш ва парвариш қилиш технологиялари билан танишдик. Бу борада вилоятда кенг миқёсда тушунтириш ишлари олиб бордик, мутахассислар билан семинарлар ўтказдик. Курганларимизни Хоразм шароитида тажрибада синадик. Жумладан, пахта бўйича Янгиариқ тумани «Навруз» жамоа хўжалигининг Б. Ғойибов бригадасида икки гектар майдонга плёнка остига чигит экиб, 51 центнердан ҳосил олинди. Соғлиқ бўлса, келгуси йил 20 минг гектар майдонга шу услубда «С-65-32» ва «Юлдуз» навларидан экишни режалаштиряпмиз.

Давлатимизнинг дон мустақиллигига эришиш сиёсатини дилдан ҳис қилган деҳқонларимиз кузги бугдой экишни ҳам ниҳоясига етказдилар. Аҳоли томорқа ерлари билан қўшиб ҳисоблаганда жами 28 минг 969 гектар майдонга бугдой экилиб, текис ниҳол олиш учун ҳаракат қилинмоқда. Андижон вилоятидан 3400 тонна «Спартанка» уруғини келтириб, 13 минг гектар майдонга экин эндик. Бугунги кунда қийғос майсалаб қолди.

— Бу йил шоли ҳам салмоқли бўлди... Шундай эмасми?

— Ҳа. 45 минг гектар майдонга шоли уруғи қадалди. Бу йил Хоразм вилоятида энг кўп шоли экилган йил ҳисобланади. Утган йили 35 минг 254 гектар майдонга шоли экилиб, 31,4 центнердан, 110 минг 700 тонна ҳосил олинди. Бироз сув танқислиги бўлмаганда, бундан ҳам кўпроқ маҳсулот олиш имконияти бор эди. Аммо бу йил, бугунги кунгача Хоразм тарихида биринчи марта 102 минг тоннадан зиёд «қирмизи дон» давлатга сотилиб, режа ошиғи билан бажарилди. Шоли йиғиштириш давом этмоқда. 171 минг тонналик шоли олиш мақсадида бел боғлаб ишлаяпмиз. Шу билан бир қаторда, режадан ташқари, бугунги кунга қадар 11 минг тоннадан зиёд сифатли уруғлик тайёрланди ва бу иш давом этмоқда.

СУРАТДА: Хева туманидаги Р. Мадаминов номли жамоа хўжалиги илғор теримчиси Маърифат Матёқубова.

Кўзи ҚАДАМОВ олган сурат.

Биласизки, ўз ишига жиддий қараган жамоа хўжалиги аъзолари, пудратчилар, фермерлар, ижарачилар пахта экадими, шоли экиб парвариш қиладими, албатта, бундан маълум манфаатдорлик кўзлайди. Чунки режани бажарган пахтакор йил бўйи олган маошидан ташқари, йиллик ҳақ ва режанинг 40 фоиздан юқориси, шу билан бирга режадан ошиқча топширган пахтаси учун тола пули, кунжара, шелуха, пахта мойи каби маҳсулотлар олади. Шоли режасини бажарган пудратчилар ҳам ойлик ва йиллик ҳақдан ташқари, режадан зиёдининг 25 фоизини натура шаклида оладилар.

Муваффақиятларнинг яна бир омили шу бўлдики, мавсум давомида биз бирор деҳқонни, ҳеч нарсага муҳтож қилмадик. Унми, пахта мойими, хуллас, нимаики зарур бўлса, барини муҳайё қилдик.

Кези келганда айтай, бизда ҳозир ҳар бир деҳқон, юртбошимиз талаб қилганидай, уз меҳнатига қанча ёғ, чорваси учун қанча озуқа олишини, иш ҳақи қанча бўлишини ҳисоб-китобни яхши биладилар.

— Вилоятда қишлоқ хўжалиги техникаси аҳволи ва унга муносабат қандай?

— Ҳозир техникасиз бир қадам ҳам силжиб бўлмайди. Пахтани машинабоп қилиб устиришгина эмас, балки машинани пахтабоп қилиб такомиллаштириш зарурати куриниб турибди. Лекин сунгги йилларда Президентимиз саъй-ҳаракати билан чет мамлакатлардан, яъни «КЕЙС» фирмасининг ерни шудгор қиладиган механизмлари, шоли, бугдой уриб-янчадиган комбайнлари олиб келиниши нур устига аъло нур бўляпти. Яқин йилларда барча экин турларида техникадан фойдаланиш энг юқори нуқтага чиқади, деб умид қиламиз.

Энди келгуси йилга тайёргарликка келсак, бу йил пахта йиғим-терими чўзилиб кетди. Албатта, чигитнинг кеч экилиши, турли ҳашаротларнинг зарар бериши ғузага қўшимча ўғит, қўшимча ишлов бериш заруратини туғдирди. Лекин халқимиз ор-номусни ҳар нарсадан устун қўяди. Шунинг учун улар, ҳам режани бажарамиз, ҳам келгуси йилга пухта тайёргарлик кўрамиз, дея фидокорона меҳнат қилдилар.

Айтмоқчи, вилоятда бу йил кўчат усулида шоли экиш синаб кўрилди. Дунё бўйича 135 миллион гектар шоли экилиб, шундан 125 миллион гектарига кўчат усулида экиларкан ва юқори ҳосил олинаркан. Биз вилоят шароитида бугдойдан кейин кўчат усулида шоли етказсак нима бўларкан, дея тажриба ўтказиб кўрдик. Яхши натижа берди. Боғот тумани «Боғот» жамоа хўжалигида 11 гектар кўчат қилиб экилган шолидан 56 центнердан ҳосил олинди. Шунингдек вилоят хўжаликларида 47 гектар кўчат қилинган шоли яхши натижа берди. Бир йилда икки ҳосил: 50 центнердан бугдой, 56 центнердан шоли, жами 106 центнердан ҳосил олинди!

Натижада Жанубий Корея олимлари, Тошкентдаги шоличилик институти олимлари билан ҳамкорликда иш бошладик. Ниятимиз келаси йилда бугдойдан кейин (бугдой ўрнига) 4-5 минг гектар майдонга шолини кўчат қилиб экишдир. Бир гектар ерга кўчат учун экилган шоли 10 гектар ерга етади...

Мақсадлар кўп. Бу йил 140 минг гектар майдонни шудгор қилишимиз, далага уч ярим миллион тонна маҳаллий ўғит чиқариб тўкишимиз, шудгор қилинган майдоннинг камида 60 фоизини шўр ювишга тайёрлаб қўйишимиз керак. Қисқаси деҳқонларимиз 10-15 декабргача келаси йилга тайёргарлик ишларини битказишади.

Суҳбатдош: Қурбон МУҲАММАДРИЗО, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ПАРТИЯ ФАОЛЛАРИ МАҲАЛЛАДА

ТОШКЕНТ. Шароф Рашидов номли маҳалла марказида оксоқоллар, Халқ демократик партиясининг фаоллари тўпландилар. Бу ерда ўтказилган семинарда Миробод тумани партия кенгашининг биринчи котиби Ф. Латипова, Шароф Рашидов номли ва «Шарқ Юлдузи» маҳаллаларининг раислари С. Косимхўжаев билан Э. Қаҳрамонов аҳолининг маданий-маърифий билимини ошириш, соғлом авлодни камол топтириш йўлида саъй-харакатлар қилиш хусусида мулоҳаза юритдилар. Йиғилиш сўнггида ЎзХДПнинг ўтган беш йиллик тўйи шарафига маҳалла фаолларига Фахрий ёрлиқлар топширилди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

ҚАДОҚЛАНГАН УН

НАВОИЙ. Қизилтепа нон ва дон маҳсулотлари комбинатида халталарга 15 килолик қилиб қадоқланган ун тайёрлаш йўлга қўйилди. Бундай маҳсулотнинг бозори чаққон. Комбинатда қиска вақтда 150 тонна ана шундай ун тайёрланди. Корхона директори Р. Рахимов фикрига қараганда, 5-10 килограмм қилиб қадоқланган унни ҳам савдога чиқариш мўлжалланмоқда.

Музаффар ШАРОПОВ.

ТРАКТОРЛАРГА БУТЛОВЧИ ҚИСМЛАР

ФАРҒОНА. Олтиариқ туман таъмирлаш ва таъминот корхонасида тракторлар учун такчил ва бутловчи кисмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. «Москва», «Тошкент», «Запарожье МТЗ-80» русумли тракторлар учун сув насослари, «Т-4» тракторларига мосламалар тайёрланиб, қўшни туман, хатто Андижон ва Наманган вилоятлари буюртмачиларига етказиб берилянти. Олтиарикликлар қиска вакт ичида 1 миллион сўмликдан кўпрок эхтиёт кисмлар тайёрлашди.

Алишер ИБОДИНОВ.

Бугуннинг гапи

АВВАЛ ИҚТИСОД...

Суҳбатдошингнинг кимлиги, қайси касб эгаси эканини билмасдан гурунглашиш анча мушкул. Шундай бўлса ҳам илк кўришувдан дастлабки хулосам шу бўлди. Домла Тўлқин Мирхолиқов ўта шижоатли, ишнинг уддасидан чиқа оладиган, уни тезроқ амалга оширишга интиладиган олим. У киши билан суҳбатлашиш қизиқарли. Боиси сал туртки бериб қўйсангиз бас, ўзини ҳам унутади. Сиз билан бизнинг бугунимиз, эртамиз чиройли, тўкин бўлиши, бунинг учун эса Ўзбекистоннинг озиқ-овқат саноатини ривожлантириш лозимлигини уқтиради.

— Гапириш осон, домла, — десам, яна тўлиб-тошиб тушунтиради.

— Бунга бизда имконият катта. Қаранг Ўзбекистон — ўз иқлими, табиати билан жаннатнинг ўзгинаси. Ўлкамизда эрта баҳордан то кеч кузгача меваларнинг ҳар хил турлари кетма-кет пишиб етилади. Бу эса шу мева-чеваларни қайта ишлаб, турли озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаш имконини беради. Шуниси муҳимки, биздаги ҳаво ҳароратининг қуруқлиги етилган мевалар таркибида қанд моддасининг кўп миқдорда бўлишига имкон яратади. Биргина узум таркибида 17-30 фоизгача шакар моддаси мавжуд. Шунинг учун ҳам дунёнинг бирор мамлакатида Ўзбекистондаги каби ширин, ҳиди димоғни ёрадиган меваларни учратмайсиз.

— Тошкент Кимё-технология институтининг Сиз раҳбарлик қилаётган озиқ-овқат ишлаб чиқариш технологияси факультетида узумни қайта ишлаб, вино тайёрлашнинг янги технологияси яратилган экан. Бунинг афзаллиги нимада?

— Ҳа, профессор Собира Абдураззоқова раҳбарлигида вино тайёрлашнинг янги, икки босқичли ачитиш усули билан олинадиган технологияси яратилди. Бунинг афзаллиги олинган вино экологик тоза. Уни тиниқлаштириш учун ҳар хил адсорбентлар ишлатилмайди. Сифат кўрсаткичлари жиҳатидан дунё бозори талабларига тўла жавоб беради. Ҳозирги кунда бу усул республикамизнинг бир неча вино заводларида қўлланила бошланди. Лекин бу винони қадоқлаш учун керакли идишлар, етарли даражадаги дизайнларга эга бўлган этикеткалар йўқ. Ахир республикамизда шиша ишлаб чиқариш билан боғлиқ илмгоҳлар, лабораториялар, шунингдек, йирик мутахассислар борку! Улар бу ҳақда тезроқ ўйлаб кўришса, жаҳон бозорига йўл очилармиди дейман-да.

— Бундан ўн-ўн беш йил аввал Каттақўрғонда тайёрланган чиройли қоғоз қутичаларда ялтиллаб турувчи майизнинг турли хили, қовун қоқи, сархил туршак каби қуритилган мевалар бўларди. Минг афсуски, бундай ноёб ноз-неъматлар махсус магазинлардагина сотилар ва кўпинча уни четга мўлжаллаб тайёрланган дейишарди. Ўшанда, ахир буларни кўпроқ тайёрлаб, аҳоли ўртасида, айниқса қишда сотилса, қанча фойдаку, деб ўйлардим.

— Бўлмасам-чи, сиз айтаётгандай қутичалар ҳозир ҳам бор. Бироқ, улар ҳалиям аҳоли эҳтиёжини қондирмайди. Шу боис республикамизда майиз, туршак тайёрлашга катта аҳамият бериш керак. Чунки булар миллий удумларини қайта тиклаётган халқимизнинг бир вақтлар дастурхонига нафақат кўрк, балки ҳар кунги озиқ-овқат маҳсулотларидан ҳисобланган. Одамлар майиз истеъмол қилиб, тананинг глюкозага бўлган эҳтиёжини қондиради. Туршакда калий моддаси бўлиб, табиий ҳолатда киши баданига етказиб берилади. Бу эса юрак хасталигининг олдини олишга, унинг яхши ишлашига олиб келади. Мустақил республикамизда майиз, туршак, қовун қоқиларини технологик асосда тайёрлашни йўлга қўйишни кенгайтириш учун шу маҳсулотлар хом ашёлари тайёрланадиган қишлоқларда кичик цехлар лойиҳалаш ва қуриш керак. Масалан ҳозирги кунда Сурхондарё вилоятининг Олтинсой туманида Италиядан келтирилган майиз тайёрлаш технологияси ишлаяпти. Лекин бу технологик ускуналарда шакари 17 фоизгача бўлган узумлар қуритилар экан.

— Нима, кичик ва ихчам технологияларни ўзимиз ярата олмаймизми ёки мутахассислар етишмайдими?

— Очиғини айтганда, кўп ҳолларда тайёрланган ишланмаларимиз амалиётга татбиқ этилмай қоғозда қолиб кетади. Ахир мутасадди идора раҳбарлари ҳам бунга аҳамият беришлари керак-ку?

— Масалан қайси ташкилотларни назарда тутяпсиз?

— Ёғ-мой комбинатларида ишланган янги технологик маҳсулотларни жорий этиш қийин. Яна консервалаш технологияси бўйича ҳам шуни айтиш мумкин. Кошкийди, ишларимиз тезроқ юришса...

— Яна бир гап домла. Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ, дейишгани тўғри экан. Бугунги кунда чет эллардан келтирилаётган антиқа идишлардаги турли шарбат, ичимликлар кўзни ўйнатади. Нархи эса осмонда. Ваҳоланки ўзимизнинг олма, узум, анор сингари меваларнинг асл шарбати улардан қолишмайди. Шуларни ўйлаб, айбни кимдан қидириш керак ўзи деб қоласан киши...

— Аввало шарбатлар хусусида. Таъна нгизи ўринли. Ҳозир қаерга қараманг, Сиз айтаётган ичимликлар, шарбатлар. Агар ўзимизда етиштирилган олма, анор, узум ва бошқа мевалардан шарбатлар, ичимликлар, гулоблар тайёрлаш технологияси йўлга қўйилса бу билан халқимизнинг витаминга бой, шифобахш шарбат ва ичимликларга бўлган эҳтиёжини қондирибгина қолмай, балки уларни хорижга ҳам чиқариш имконияти яратиларди. Мева-чеваларни қайта ишлаш технологиясининг ўзини қайта ишлаб, янгилаш вақти аллақачон келган. Ёдингизда бўлса шу йил июль ойида Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш якунларига бағишланган мажлисида Президентимизнинг озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи янги корхоналарни барпо этишга, ишлаб турган корхоналарни қайта жиҳозлашга алоҳида эътибор бергани бежиз эмас. Янги, замонавий, кичик ва қулай, кам энергия сарфлайдиган технологияларни яратиш учун назаримда республикамизда етарли инженер-техник ходимлар ва мутахассислар бор. Фақат улардан фидойилик, эртанги кун хаёли билан яшаш ва ижод қилиш талаб этилади. Лекин тан олиш керак, айрим технологик линияларни хориждан ҳам олишга тўғри келади.

Кези келганда бир фикрни айтмоқчиман. Менинча, озиқ-овқат саноати маҳсулотлари, айниқса, гўшт, колбаса ва унинг ҳар хил турлари, пишлоқ, бринза ва шунга ўхшаш маҳсулотлар, ўсимлик ёғлари ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг маҳсулотлари давлат назоратида бўлиши мақсадга мувофиқдир. Чунки, бу маҳсулотларнинг турлари уларнинг таркибига кирадиган хом ашё ва шу хом ашёларнинг сифатига боғлиқ. Чунки гўшт, колбаса ва сут маҳсулотлари тез бузилади. Шунинг учун уларни ишлаб чиқарадиган кичик корхона бўладими ёки йирик корхонами, сифат кўрсаткичлари текширилиб, қайси маҳсулот қайси талаб даражасига жавоб беришига қараб, савдога чиқарилса, яхши натижа бериши мумкин.

Республикамизда озиқ-овқат саноатини ривожлантиришга институт олимлари катта ҳисса қўшишяпти. Бу йўлда мазкур факультет Бельгиянинг Гент шаҳридаги ва Афина университетлари билан фойдали ҳамкорлик олиб бораётир. Мақсад Европа ҳамжамияти билан факультет қошида жаҳон андозаларига жавоб берадиган технологияларни ишлатадиган бакалавр ва магистрлар тайёрлашдан иборат. Ўрни келганда бир гап. Тошкент Кимё-технология институтида, хусусан озиқ-овқат ишлаб чиқариш технологияси факультетида йилига шу соҳанинг қўплаб мутахассислари тайёрланяпти. Бироқ, ёш мутахассисларга иш жойларидаги раҳбарларнинг эътиборсизлигиданми, мутахассисларнинг ўз касбига юраги «жиз» этмаганиданми тижорат ва бошқа ишларга уриб кетаётган ёшлар ҳақида ҳам ўйлаб кўриш керак чоғи. Чунки мамлакатимиз эртаси ҳар соҳадаги малакали, салоҳиятли мутахассисларга боғлиқ. Ўз-ўзидан равшанки, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш бу халқимизнинг турмуш даражасини кўтариш демак: Халқимизда бежиз «аввал иқтисод кейин...» дейишмайди.

Суҳбатдош: «Ўзбекистон овози» махсус мухбири Умида ФАЙЗИЕВА.

Кўнгил мулки

РАШКИНГ ЁЛҒОН БЎЛСА...

Тўй охирлаб қолганда Дадажон даврага кўз югуртирди. У кимнидир изларди. Ўнгга қаради, сўлга боқди, тополмади. Ранги ўзгарди. Буни даврадошлари сезмади. Тоқатсизланиб кўчага отилди. Хандон отиб, бир-бирига ҳазиллашиб кетаётган қишлоқ қизлари орасидан Мавлудани излади, тополмади. «Нега ёлғиз кетади? Ахир, бирга кетамиз деганди-ку?!» Дадажон ўзини қийнар, тўлин ойли кечада оёқлари уни Мавлудалар ҳовлиси томон етакларди.

«Хафа қилганим йўқ-ку, ахир? Бир-икки бор у ўтирган қизлар даврасига қараб қўйганим малол келдимикан?»

Шу хаёл билан катта ариқ шарқираб оқаётган, қаршисида сўлим теракзор шовуллаб турган, кўк дарвозали ҳовли олдига келиб қолганини сезмади. «Нима қиляпти ўзи? Ахир, ораларидаги муносабатни ҳали ҳеч ким пайқамаган. Бемаҳалда бировнинг дарвозаси олдида узоқ туриб қолиш... Эртагача чидаб бўлмайдими? Дадажон шу хаёллар билан қадамини тезлатди.

Туни билан турли хаёллар зада қилган Дадажон ишхонасига ҳаммадан олдин келди. Даҳлизда оёқ товуши эшитилдими, тамом ўша томонга қарайди, Мавлудасини кутади. Аммо... Назарида вақт жуда секин ўтар, кўксида эса нимадир оловланарди. Бунинг устига ой охирлаган, ҳисоботга ўтириши керак. Қоғоз титкилайди, ишининг самараси йўқ!

Даҳлизда Мавлуданинг овози эшитилди. Дадажон сапчиб ўрнидан турдию лекин... яна қайтиб ўрнига ўтирди. Ҳар кунгидек қиз ўзи келиб майин табассум билан саломлашади... Шу аснода у қизни кутди, келмади. Дадажоннинг гуноҳи нима? Йигитни ана шу савол эзарди. Телефон жиринглади, йигит Мавлуда деб ўйлади.

— Лаббай, — деди дарҳол ҳаяжонли оҳангда. Бошқа киши экан. —Хўп кутаман, келинг, майли...

«Ўзини «нархи»ни оширишни кўрсатаман бу қизга!» Дадажон шашт билан даҳлизга чиқаркан, Мавлудага кўзи тушди. Қизнинг ловуллаб турган ёноқлари, сурма тортилган кўзлари уни ипакдек юмшатди.

— Кечаги қилигингиз нимаси?

Қиз Дадажоннинг гинасини тушунди. Майли, висолга осонликча ҳеч ким етишмаган. Ҳақиқий севса ҳаммасига чидайди! Қиз киноя билан жавоб қайтарди:

— Ўйинга бирга тушган қиз билан кетарсиз деб ўйлабман.

Қиз бу гап билан Дадажоннинг дилидаги туманни ёзиб юборганини, рашк олови ўзини қийнаётганини ҳам ошкор қилганини пайқамасди.

—Шунгами ҳали? У бегона эмас, ахир...

— Ўзингиз... — қиз Дадажонга ўзингиз садоқат, вафо ҳақида кўп гапирасиз, аммо демоқчи бўлдию, лекин томоғига бир нарса тиқилгандек, — ҳозир телефон қилган ҳам танишингизми? — базўр сўради.

— Ҳа, танишим! — Дадажон овозини баландлатганини пайқамади. Қиз йигитнинг жўрттага гапиргани учунми алланечук бўлиб кетди, ортига бурилиб режа бўлимига кириб, ўрнига ўтирди. Атрофдагилар диққатини тортмаслик учун йиғлаб юборишдан ўзини тийди.

«Менга сиздек босиқ, ҳаёли, ишни охиригача етказа оладиган қизлар ёқади. Ҳаётда ҳамиша шундай бўлиш керак!» Дадажоннинг бу сўзлари қизнинг бошида чарх урди. «Ғап бошқа, амалда бошқами? Йўқ, йўқ Дадажон ундайлардан эмас. Кўпдан биламан-ку уни. Бекорга бошқа хаёлларга боряпман. Аммо... барибир синашим керак!» Қизнинг хаёллари шу ўй билан тушгача банд бўлди.

Иш куни охирлай деб қолганда Мавлуда ташқарига чиқди. Дили ғаш эди. Бунинг устига ўрта бўй, сочлари калта қирқилган нозиккина қиз Дадажонни сўраса бўладими? Мавлуда қалқиб кетди.

«Бу синчалак — ўша телефон қилган қиз. Балки... — Мавлуда бир зум хаёлларига эрк берди, — майли кўрамиз, кузатамиз».

— Дадажон акангиз мана бу хонада!

Қиз Мавлуданинг муносабатидан ҳеч нарсани сезмай хона эшигини очди. Аммо уни охиригача ёпишни унутди. Мавлуда уларнинг суҳбатига қулоқ тутди.

— Биласизми, Дадажон ака, ҳисоботни тайёрладим. Аммо негадир хато қилгандайман. Шунга...

—Сиз боравeринг бирор соатлардан сўнг ўзим ҳисобингизни элтиб бераман.

Қиз Дадажон билан хайрлашиб чиқди. Ҳамон эшик ортида Мавлуда турарди. У қизга ёвқараш қилди...

Мавлуда ҳар доим ишдан сўнг Дадажон билан хайрлашиб кетарди. Бугун у бошлиқ хонасига кириб чиқди. Атайин бошлиққа баланд овозда «омон бўлинг» деди. Бундан Дадажоннинг аччиғи чиқмади, чидади. Соҳибжамол олиб келган ҳисоботни кўздан кечиргунча алламаҳал бўлди.

Мавлуда муюлишдаги гулзор четида Дадажонни узоқ кутди. Ана, унинг қораси кўринди. Қиз ўзини дарахт ортига олди. Дадажон қалин папкасини қўлтиқлаганча вазмин одимлаб борарди. Қиз унинг изига тушди. Йигит пештоқига «туман ўрмон хўжалиги бўлими» деб ёзиб қўйилган бинога кириб кетди. Бир оз фурсат ўтгач, ўша қиз Дадажонни йўлаккача кузатиб келди.

— Бугун Ҳалимжон акамнинг туғилган кунлари, вақтлироқ боришим керак эди,— деди қиз.

— Сал қолибди, хотирамдан кўтарилишига. Албатта ўтаман. Бошқа синфдошлар ҳам келишар, — дея хайрлашаркан Дадажон йўлга тушди. Панада писиб турган Мавлуданинг кўнглидаги ғашлик ўрнини ширин туйғулар эгаллади. У Дадажоннинг ортидан аста-секин билинтирмай бораркан, «Муҳаббатнинг ҳар қандай азоблари, синовларига бардош бераман, ишонинг», деяётгандек лаблари пичирларди.

Даврон БАҲРОНОВ.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!
ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна "Матбуот уюшмаси" агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИЛАР!

Рўзнома ва ойномаларга обуна варақчасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, насаби, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақчасидаги "ПВ-Жойи" деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва "Матбуот уюшмаси" агентликлари ходимлари тўлғазади.

Дўстлигимиз абадий

ЎЗБЕГИМ ТУРКМАН БИЛАН!

Хизмат тақозоси билан қардош Туркманистонга биринчи марта борганимизда, поёнсиз Қорақум устидан учиб ўтаётганимизда қандай ҳислар уйғонганини ҳозир аниқ эслайман. «О, туркман қардошим! Шундай олисларда — тупканинг тубида яшайсанми? Сени тақдир шу жойларга раво кўрганми? Қара, чексиз-чегарасиз чўл-а! Худди поёнсиз дов-дала ўртасига ташланган қадимги пахлавонга ўхшайсан!» Шу заҳоти обҳаво маълумотлари хаёлимга келганди: ёзда Туркманистонда 45-50 даража иссиқ. Икки-уч марта Тошкентда ҳарорат 40 даражадан юқори кўтарилганда Анҳор бўйларига, соя-салқин жойларга ўзимизни урганимиз ёдимда. Айни пайтда муттасил юқори ҳарорат-жазирамага дов-дарахтсиз, қоқ чўл ўртасида бардош бериб келаётган дўстларимиз матонатига, сабру чидамига ҳайратланганмиз! Туркман қардошим «чеки»га Швейцария, Болтиқ, Кавказ бўйлари эмас, балки шу жойлар тушган бўлса... не ажаб?

Аммо Ашхободга етиб борганимизда шундай ҳис пайдо бўлди: бир кўришда ёқтирган одамингизга: «Истараси жуда иссиқ экан!» дейсиз-да. Ашхободнинг истараси ҳам унинг обҳавосига ўхшаш жуда иссиқ экан! Худди узун қўйлакли қизларига ўхшаб. Жуда иссиқ, иболи, иффатли. Шаҳарнинг қоқ ўртасида узун, миллий қўйлакда улар сувда сузиб юрган эрка қушларга ўхшаб кетишади!

Ўшанда Туркманистоннинг кўплаб далаларини — пахтазору галлазор, мевазору токзорларини кездик. Менда шундай яхлит бир тасаввур туғилди: болалигимизда эртакларда ёвуз девлар билан, ёмон кучлар билан олишиб, уларни енгган алп қомат баҳодирлар ҳақида ўқиганмиз. Туркман биродарларимизнинг табиат стихияси билан асрлар бўйи олишиб, уни ўз измига бўйсундириб келаётган ўша афсонавий азаматлардан асло кам жойлари йўқ!

Бунга яқинда яна бир бор Туркманистонда бўлганимда ишонч ҳосил қилдим ва кўнглимдан шу ўйлар ўтди: ўтмиш ва ҳозирни, ўзбек ва туркман халқлари алоқаларини, уларнинг бир-бирларига қанчалар чатишиб кетганлигини ўйлаб, қувондим, дилим бирам яйради. Бунга айниқса Ашхобод, Маридан ўтиб, Чоржўйга, ундан Хоразмга ўтганимиз сайин тобора қаттиқроқ ишонч ҳосил қилдим. Буни қаранг-да, ўзбек халқининг севимли ҳофизи Комилжон Отаниёзов туркман ашулаларини нақадар қиёмига етказиб ижро этган! Ҳозир унинг ўзбек ва туркман шогирдлари саноғига етиб ҳам бўлмайди... У ажойиб туркман шоири, халқ дардини куйлаб ўтган Маҳтумқулининг республикамиздаги биринчи ташвиқотчиси бўлганди. Ва ниҳоят бу машҳур ўзбек қўшиқчиси Туркманистон халқ артисти унвонига ҳам сазовор бўлганидан нега фахрланмайлик!

Бу ўзбек ва туркман бир китобнинг икки саҳифаси эканлигини кўрсатмайдими?

Биргина менинг эмас, юзлаб китобхонларнинг жавонлари тўрида Маҳтумқули ва Мулланафас китоблари турибди. Кўплаб туркман зиёлилари, шу жумладан Маҳтумқулининг ўзи ҳам Хева мадрасасида таълим олганлар. Ўзбекистонда туркман миллий мактаблари бор. Туркман миллий ансамбллари ҳам мавжуд. Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл, Беруний ва бошқа туманларида ҳам ана шундай мактаблар ва миллий ансамбллар фаолият кўрсатяпти... Бугина эмас, туркман йигит ва қизлари ўзбек ва қорақалпоқ матбуотида — Нукус, Беруний, Тўрткўл ва Шоботда бирга ишлашаётганидан ҳам аллақандай хушнуд кайфиятда қалам сураман...

Бу ўзбек ва туркман халқлари икки кўздай бир-бирига қондошу жондошлигининг белгиси эмасми?

Мен Сирдарёда балиқ овлаб, Амударёнинг муздек сувида чўмилганман. Уни Жайҳун деб бежиз атамаган халқларимиз. Асов отдек пишқирган, савлати девдай кучли бу дарёни ўзбек ва туркман халқларинигина эмас, уларнинг ерларини ҳам бир-бирига боғлаб турган олмос камарга ўхшатгим келади!

Қадим-қадимда ҳам ўзбек билан туркман бир дарёдан сув ичган, қардош бўлиб келган, ташқи душманга биргалашиб қарши чиққан. Ажойиб ёзувчи Явдат Илёсовнинг мўғул босқинчилари лашкарбошиси Чингизхон ҳақида ёзган романида ўзбекнинг туркман аёлидан туғилган фарзанди Жалолиддин образи бор. У ҳақда озарбойжон фарзанди Шайхзода ўзбек тилида «Жалолиддин Мангуберди» номли тарихий драмасини ёзган эди. Булар бир қарашда кечаги тарихдай туюлади, аммо бу ўзбек ва туркманнинг, қолаверса бутун Марказий Осиё халқларининг азалдан ака-укадек қон-қариндош эканлигини англатмайдими?

Келинг ўтмишдан сўз юритавермай, бугунги икки халқнинг қувончлари ҳақида сўзлайлик. Кейинги уч-тўрт йил ичида хизмат тақозоси билан Жиззах ва Сирдарё чўлларида кўп юришга, кўп одамлар билан суҳбатда бўлишга тўғри келди. Энг тоза сув Зоминдан чиқади, деб эшитгандим. Шу Зоминда денг, туркман қишлоғи ҳам бор. Бу ерда ҳатто туркман билан ўзбек қуда-анда, қавму-қариндош бўлиб кетган.

Туркманистоннинг Тошховуз, Мари ва Чоржўй вилоятларида истиқомат қилаётган не-не оилалар нон-тузини тотмадим, дейсиз. Нақадар ўзбеклар сингари меҳмондўст бу туркман қардошларимиз (шу ердаги кўплаб хонадонлар Хоразм вилоятининг Хева шаҳридан қиз олиб, қиз берган экан).

Ҳа, бугунги кунда ўзбекнинг қувончи туркманнинг ҳам қувончидир.

Хуллас, гўзал ва мустақил парвоздаги Туркманистондан қайтар эканман, бу заҳматкаш халқнинг эмблемасига айланган чўғирма ҳеч кўз олдимдан кетмайди. Қўй терисидан тикилган бу миллий қалпоқларни 45-50 даража ҳароратда туркман қардошларимиз бошларини офтоб уришдан сақлаш мақсадида қадимдан кийиб келадилар (иссиқда бир терлаб, кейин бошни муздек тутгани учун!) Аслида туркман қардошларимизнинг бошини неча-неча йиллардан бери омон сақлаб келаётган — қуёш ҳароратидан ҳам юқори — мамлакатларимиз ўртасидаги дўстликдир!

Ҳамид ИКРОМОВ.

ШИФОБАХШ СУВ ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Тошҳовуз пиво ишлаб чиқариш заводида шу йил октябрь ойидан бошлаб шифобахш хусусиятга эга бўлган маданли сув ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу ичимликнинг асосий манбаи қўшни Қорақалпоғистоннинг Нукус шаҳридаги пиво заводидан келтирилади. Янги маҳсулот харидорларга маъқул бўлганлиги туфайли унга талаб тобора кучаймоқда. Дастлабки ойнинг ўзидаёқ вилоят маркази савдо шахобчаларига 6 минг шишадан кўпроқ шифобахш сув юборилди.

Шунингдек, вилоят аҳолиси дастурхони учун «Озодлик» номли аъло сифатли Тошҳовуз пивоси ва «Саҳро» маркали антиқа вино ҳам етказиб берилмоқда.

Тараннум этайлик Ватанимизни. Эргаш ҚУЛМУРОДОВ олган сурат.

Маданият янгиликлари

КУЙГА БАХШИДА УМР

Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси рахбарлигида Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясида мусиқа ижодкори, доцент Ҳабибулло Рахимовнинг муаллифлик концерти бўлиб ўтди. Ўзбек композиторларидан биринчи бўлиб орган, торли, зарбли чолғу ва арфа учун концерт-фантазиясини басталаган муаллифнинг сара асарлари, нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиё, шунингдек, Россия, Болгария, Франция, Япония каби мамлакатларда муваффақият билан ижро этилган. Кечада Украина Маданият ишлари маркази раиси муовини Виктор Романенко иштирок этиб, муаллифнинг ижодий ишлари кўлами кенглиги, ранг-баранглигини таъкидлаб, унга «Ўзбекистон — Ватаним маним» номли Ўзбекистон герби тасвирланган тамғани тақдим қилди.

Фотима ЖУМАЕВА.

«ТОНГ ЮЛДУЗИ» «ЛЕНИН УЧҚУНИ» ЭМАС

Мен Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси — «Тонг юлдузи» ҳақида баъзи мулоҳазалар билдирмоқчиман. Илгари бу газета «Ленин учқуни» деб аталарди. Бу нашрни илк бор қўлимга олиб, танишганимга ярим асрдан ошиб қолди. Шуни эътироф этиш керакки, «Ленин учқуни» ўз вақтида қанчалаб истеъдод эгаларининг бўй кўрсатишларига омил бўлган эди.

Лекин шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, бугунги «Тонг юлдузи» «Ленин учқуни»нинг ўзи эмас. «Тонг юлдузи» мазмун-моҳияти билан тамоман янги нашрдир. Мен бу нашрларнинг узлуксиз муштарийларидан бири сифатида айтаманки, «Тонг юлдузи» Ўзбекистоннинг миллий мустақилликка эришиш шарофати билан шундай номлана олди. У истиқлол меваларидан бири, ёш авлодни болаликдан маънавий етук тарбиялашга даъват этилган нашрлардан ҳисобланади. «Тонг юлдузи» озод ва мустақил Ўзбекистоннинг ҳур фарзандларининг газетасидир. Унда фақат болалар ва ўсмирларга мўлжалланган материалларгина эмас, балки шу билан бирга биз — ота-оналар, бобо ва бувиларга ҳам тегишли, фарзандларимиз туфайли бизлар ҳам билишимиз лозим бўлган ўқишли мақолалар чоп этилмоқда. Мен бу ўринда аввало ёшларнинг газета саҳифалари орқали мурожаат мактубларини назарда тутмоқдаман. Масалан, газетанинг шу йилги 19 октябрь сонида икки мактуб эълон қилинди. Меҳрибонлик уйидан юборилган биринчи мактуб «Мени олиб кетинг, ойижон!» деб, иккинчи мактуб эса «Мен сизга кимман, дадажон?» деб аталади. Ўқисангиз ҳаяжондан ларзага тушасиз. Жамият катта-кичик ёшдаги одамлардан иборат бир бутун вужуд. Барча фуқаролар бир-бирлари олдида бурчли ва масъулиятлидир. Бурч ва масъулият туйғуси эса ёшликдан шакллана боради. Лекин мавжуд имкониятлардан етарли фойдаланилмаётир. «Тонг юлдузи»миз ҳозир ҳаммаси бўлиб 5—6 минг нусхадагина чиқаётгани барча ота-оналар, бобо ва бувиларни, умуман эса, ҳамма зиёлиларни ташвишга солиши лозим. Унинг болалар ва ўсмирлар орасида, умумхалқ даврасида кенг ёйилишига барчамиз ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак эмасми? Газета ўқишга одатланган, бўш вақтини китоб мутолааси билан ўтказган фарзандларимиз келажакда солиҳ ва солиҳа бўлишларига ишонамиз. Бунинг учун уларни керакли нашрлар билан имкон қадар таъминлаб бориш катта ёшли кишиларнинг оталик, оналик, боболик, бувилик, акалик ва опалик бурчидир.

«Обуна—97»

Ҳозир Ўзбекистонда 23 миллиондан ортиқ аҳоли яшамоқда. Уларнинг кўпчилиги болалар ва ўсмирлардир. Агарда ҳар бир бола «Тонг юлдузи»га обуна бўлса, бу газетанинг адади бир неча юз минг нусхага етади.

Тўғри, «Тонг юлдузи» ададининг озайиб кетишига муайян иқтисодий ва маънавий жиҳатлар ҳам сабаб бўлди. Бундан уч-тўрт йил илгари газета мунтазам чиқмай қолиб, ўзининг кўп ўқувчиларини бой бериб қўйди.

Эндиликда «Тонг юлдузи» ҳафтада икки марта мунтазам рангли, безакли тарзда чиқмоқда. Уни болалар ва ўсмирларнинг ўзигагина дейиш тўғри эмас. «Тонг юлдузи» бирор тоифа ёки соҳанинг газетаси эмас, балки у умумхалқ нашрларидан бирига айланиб бормоқда. Ҳурматли газетхон, келинг, Сиз ҳам ушбу нашрни бир варақлаб кўринг, бу фикримизга ўзингиз ишонч ҳосил қиласиз. Шунда ўзингиз учун ҳам, биринчи навбатда фарзандларингиз учун «Тонг юлдузи»га обуна бўлишга қатъий қарор қилишингизга ишонамиз.

Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ,
ёзувчи.

МАХТУМҚУЛИ ДАҲОСИНИНГ ҚУДРАТИ

Махтумқули Фироғий деганда менинг кўз олдимда юзида меҳр жўшиб турган нуроний сиймо намоён бўлади. Асарларини қайта-қайта мутолаа қилганим сайин эса, унинг нақадар олижаноб, бағри кенг меҳрибон инсон бўлганлигига ишонч ҳосил қиламан. Кулли (барча) туркман аҳли Махтумқули номини, шеърларини нега бунчалик севиб-ардоқлаши, ҳар бир тўй-йиғинда, маърака-дастурда номи улуғланиши сабабларини тобора аниқ-равшан сезаман. Унинг шеърлари — ақл-насиҳатнинг кони.

1990 йил май ойида Туркманистонга сафар қилиб, илк бора ўтказилаётган Махтумқулихонлик кунларида иштирок этишга мушарраф бўлгандим. Май ойининг ўрталарида, туркман диёрида дов-дарахтлар гуллаб, анорзорлар қизғиш баргга бурканиб турган палла эди. Махтумқулининг қабиладошлари яшайдиган манзил — Қарриқалъа туманининг Геркез қишлоғида улкан халқ сайли бўлди. Бир неча туркман адиблари — Тиркиш Жумагелди, Отажон Тоғон, Отамурод Отабоев, Гўзал Шоқулиевалар билан сайллашиб юрибмиз. Тиркиш оғага мен:

— Махтумқули ҳодисаси (феномени)ни сиз қандай изоҳлайсиз? — деб мурожаат қилдим.

Турган жойимиз сал тепароқ жой, ариқ ёқаси эди. Бутун қишлоқ, сайлчилар, улуғ издиҳом кўриниб турар, гўё мўр-малахдай сон-саноқсиз халқ Махтумқули шарофати ила бугунни улкан байрамга айлантирмоқда, халқининг мураббийси даражасига кўтарилган инсонни олқишламоқда эди.

— Йиғилган халқни кўринг! — деди Тиркиш оға, — Энди бунга кулли туркман халқини, ўтмишдаги, келажакдаги халқни ҳам қўшинг. Тасаввур қилаяпсизми? Мана шуни айтадилар шоир даҳосининг кучи деб...

Дарҳақиқат, Тиркиш оғанинг сўзлари исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат эди. Махтумқулининг шеърларидан бир гулдаста тузиб муштарийларимизга тақдим этарканмиз, улуғ инсоннинг руҳини шодмонлик билан эсладик.

Музаффар АҲМАД.

ГЎЗАЛ ШЕРҒОЗИ

Макон айлаб уч йил едим тузингни,
Кетар бўлдим, хуш қол, гўзал «Шерғози»!
Ўтказдим қишингни, наврўз, ёзингни,
Кетар бўлдим, хуш қол, гўзал «Шерғози»!

Ҳақдан бизга буйруқ — боғлидир белим,
Сенда таълим олдим, очилди тилим,
Келсин деб кўз тутар ул Геркез элим,
Кетар бўлдим, хуш қол, гўзал «Шерғози!»

Англаб етдим энди оқни, қорани,
Дўст, рақиб, қардошни, ҳақни, ёронни,
Ўқидим, тугатдим китоб, Қуръонни,
Кетар бўлдим, хуш қол, гўзал «Шерғози!»

Ақлим қисқа эди, косам қайнади,
Жигар талвас урди, кўнгил ўйнади,
Қайтмоқ иштиёқи мени қўймади.
Кетар бўлдим, хуш қол, гўзал «Шерғози!»

Илҳом юрагимда мавж урар, ётмас,
Қайнар, ғазабланар, ҳеч лойга ботмас,
Илму таълим олган сени унутмас,
Кетар бўлдим, хуш қол, гўзал «Шерғози!»

Паймон тўлмай, келсак тоқат этмайин,
Пинҳон зоҳир бўлмас ақл етмайин,
Боди пой отланиб, сайрон этмайин,
Кетар бўлдим, хуш қол, гўзал «Шерғози!»

Ғам кўлига кирсам ғаввос сузарман,
Беҳасрат юрарман, беғам кезарман,
Даҳон ичра асал-забон эзарман.
Кетар бўлдим, хуш қол, гўзал «Шерғози!»

Комил бўлиб саранжомлик қилибман,
Мушфиқимдан — падаримдан қолибман,
Каъбамдан айрилиб жудо бўлибман,
Кетар бўлдим, хуш қол, гўзал «Шерғози!»

Қутбда сой кўзлаб камонга тушдим,
Уммон найсон қуйди, қайнадим-жўшдим,
Хуш қол, бутун Жайҳун баҳридан кечдим,
Кетар бўлдим, хуш қол, гўзал «Шерғози!»

Махтумқули, ташлаб кўнгил хафасин,
Сийлади пирини, мулла, суфисин,
Доим унутмасман тилла қофисин,
Кетар бўлдим, хуш қол, гўзал «Шерғози!»

МАХТУМҚУЛИ

ЁРНИНГ ЯХШИСИН

Қовуннинг яхшисин шоғоллар еса,
Номардга бахш этдинг ёрнинг яхшисин.
Ҳақ, ҳар кимга хайру давлатлар берсанг,
Подшоҳга бахш этдинг зарнинг яхшисин.

Беномусни дарддан омон айладинг,
Борган жойин мажлис-макон айладинг,
Турна-ғоз масканин уммон айладинг,
Ҳиндига бахш этиб ернинг яхшисин.

Ақл кесар, кўнгил қистар ҳар бобда,
Дур-гавҳарни банд айладинг моҳтобда,
Бедови форсийда, тили арабда,
Бахш эт юртта бодишутурнинг яхшисин.

Парилар ўйнаган ажаб чоғларда,
Гул-булбул бандидир Эрам боғларда,
Қора тошли, қудрати кўп тоғларда
Макон айлаб қўйдинг қорнинг яхшисин.

Шодлар йиғлар бўлди, кўнглин ғаш этдинг,
Ақлин олдинг, кўр айладинг,лош этдинг,
Махтумқули дер, не ажаб иш этдинг,
Ёмонга дуч қилиб эрнинг яхшисин.

ТАШ ҚОЛДИ

Не завқу сафолар йигитлик билан
Баҳор бўлиб кечди, биздан таш қолди,
Қарилик етишди минг кулфат билан,
Мезон етди, хазон келди, қиш қолди.

Умримни сарф этдим ҳой била воя,
Қуллуқ, тоат айламадим худоя,
Йиғитлик фаслини ўтказдим зоя,
Энди на куч-қувват, на бир жўш қолди.

Қолмади умримнинг бир зарра шоди [1]
Ҳеч кимса эшитмас оху фарёд(н)и,
Жисмим кабоб этмиш айролиқ ўти,
Юраклар қон бўлди, кўзда ёш қолди.

Ҳар бир қулга фироқ панжасин солди,
Жисмин хазон урди, гуллари сўлди,
Ғазнаси урилди, уй толон бўлди,
Анда на бир ақл, на бир хуш қолди.

Қўйди мени юз минг озора фирқат,
Кечам узун бўлди, тонг отмоқ — риққат,
Ғусса билан кун кечирмоқ машаққат,
На жонда фароғат, на бир айш қолди.

Айролиқ бу, жон-жисмимга дард берди,
Ранжу алам чекдим, таним сарғарди,
Ғусса билан соч-соқолим оқарди,
На руҳда шод, на кўнгилда хуш қолди.

Махтумқули, ишим қийлу қол бўлди,
Шум айролиқ билан ақлим лол бўлди,
Билмадим, не савдо, нечук ҳол бўлди,
Жон тандан айрилди, қуруқ лош қолди.

1. Шодлиги.

УЙНИ ИСИТИШНИНГ АНТИҚА УСУЛИ

Ирбитлик нафақахўр қариялар - Санниковлар оиласи бугунги кунда ўтиндан анча қийналишиб қолишди, териб-термалаб ўтин топиб келай деса ёшликдаги кучи йўқ, кўмир сотиб олай деса - пули. Ташқарида эса қиш пичоғини қайраб келмоқда. Нима қилиш керак? Лекин қари билганни пари билмас, деган гап бор. Қариялар ҳар қалай йўлини топишди, яъни бор-бисотидаги биттаю-битта сигирини кечқурун ўзлари ётадиган уйнинг ўртасига боғлашадиган бўлишди. Негаки, Анна холанинг айтишича, мол ҳам уйни анча иситаркан.

- Сигиримиз жуда эсли, ўзини озода тутади, уйни ифлос қилмаяпти. Бир замонлар менинг ота-онам ҳам совуқда ўтин йўқлигидан қийналишганда шундай қилишган, - дейди қария мамнуният билан.

ОТАСИНИ ТАРБИЯЛАГАН ҚИЗЧА

Екатеринбурглик 13 ёшли Наташа Красних ичкиликка ўрганиб қолган ўз отасини қайта тарбиялади. Гап шундаки, отаси ичиб келган кунни йилнома (календар)да белгилаб, ўша кунга қора чизиқ тортиб юраверди ва бу иш беш йил давом этди.

Яқинда отаси Леонид Красних ўзининг 40 ёшини нишонлади. Шунда Наташа отасига беш йиллик йилномани совға қилди. Маълум бўлишича, шу беш йил давомида Леонид Красних умумий ҳисобда атиги 2 ярим ойгина хушёр юрган экан. Буни кўриб отаси ўз қилмишидан уялиб кетди ва қизига, қолаверса, бутун меҳмонларга энди ичкиликдан воз кечиш ҳақида ваъда берди. Мана икки ҳафтадирки, у ваъдасини бузгани йўқ.

КУЧСИЗГА АЙЁРЛИК ҚЎЛ КЕЛДИ

Тулалик нафақахўр Геннадий Иванович узоқ даладаги картошкаларидан хабар олиш учун борган эди. Қараса, икки барзанги ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, картошкани кавлабди ва қоплаб машинага ортишмоқда эди. Чол жанжал кўтариш бефойда эканлигини дарҳол тушунди, «чунки кимсасиз жой, ким менга ёрдамга келади, менинг кучим етмаса уларга, яхшиси дала соҳиби эканлигимни билдирмаслигим керак», деб ўйлади чол.

-Ҳа, оғайнилар, бировнинг даласида нима қиляпсизлар? Эгаси келиб қолса...- сўз қотди чол. - Эгаси келса нима бўпти, «яхши кутиб» оламиз. Кел, ундан кўра ёрдамлашвор, сени ҳам қуруқ қўймаймиз, етади сенгаям, - таклиф қилди ўғрилардан бири.

Чолнинг бошқа иложи қолмади.

Бироқ ўғрилар анча инсофли экан.Йиғилган картошканинг учдан бирини қоплаб машинада чолнинг уйига элтиб беришди, қолганини эса уйларига олиб кетишди. Хайрон қолган кампирига эса: «Мен жуда ақлли иш тутдим, акс ҳолда ўз картошкамиздан урвоқ ҳам тегмасди», дея мақтанди Геннадий Иванович.

ҲОЖАТ ҚОҒОЗИ УЧУН 40 ЙИЛ

Майами округ суди ўзига хос рекорд ўрнатди: судья Лорен Мюллер «профессионал майда ўғри» Генри Степнига 40 йиллик қамоқ жазоси белгилади. У яқинда 22 рулон ҳожат қоғозини ўғирлаб қўлга тушганди. «Арзимас қоғозга шунчаликми?» деган савол кўнглингиздан ўтгани табиий албатта. Гап шундаки, 42 ёшли Генри Степни 20 йилдан бери майда ўғрилик билан шуғулланиб келади ва 51 марта қўлга тушиб, маълум маънода жазоланган.

- Мана энди бунга чек қўямиз. Бу - 40 йиллик қамоқ жазоси Г. Степнининг 20 йиллик «жўшқин фаолияти»га берилган баҳодир, - дейди Л. Мюллер.

КАМПИР ПАЙПОҚ ТЎҚИРДИ

Янги Зеландиялиқ бир қария йўлда кетаётиб, нишабликка келганда машинаси тўхтаб қолди. Ичида 80 ёшли кампири ҳам бор эди, у пайпоқ тўқиётувди.

Чол машинасининг у ер бу ерини кўрмоқчи бўлиб тушган ҳам эдики, машина пастга қараб кета бошлади, негаки, чол қўл тормозини тортиб қўйишни унутган эди. Қария машина орқасидан югура кетди, машина эса пастликка шўнғиган сари тезлиги ортиб борарди. Бир маҳал машина йўлдан чиқиб кетди ва катта зовур томон йўналди. Бироқ бахтни қарангки, тезлик катта бўлгани учун машина зовурдан «сакраб» ўтди ва шудгорда тўхтади.

Чол халлослаганча етиб келиб қараса, хартугул машинага шикаст етмабди, кабинада эса кампир ҳамон пайпоқ тўқиб ўтирарди.

Спорт

СПОРТ ЖУРНАЛИСТЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Таҳлилий шарҳлар, тезкор хабарлар зарур. Мамлакат спорт журналистлари олдида ана шундай вазифа турганлиги яна бир бор таъкидланди. Боиси, спорт тараққиёт сари дадил одимлаётган истиқлол юртимиз довруғини жаҳонга ёйишга хизмат қилмоқда. Умуман, мамлакатда маънавий ва жисмоний баркамол соғлом авлодни тарбиялашда спортнинг аҳамияти беқиёс эканини халқимиз о нгли равишда эътироф этмоқда. Ўлкамизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, оммавийлигини таъминлаш, маҳоратли ёшлар сафини кенгайтириш, халқаро миқёсдаги натижаларга эришиш учун барча шарт-шароитлар яратиляпти.. Куни кеча Тошкентдаги Олимпия шонШуҳрати музейида спорт журналистлари билан ўтказилган учрашувда ана шундай мулоҳазалар ўртага ташланди. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Б. Маҳситов журналистларнинг спорт оламини ёритишда астойдил саъй-ҳаракат қилишаётгани ҳақида гапирди. Шу билан бирга спорт ҳақидаги Қонун ҳамда турли қарорлар ижросини назорат қилиш ва камчиликларни фош этишда оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти катта эканини таъкидлади. Спорт мутахассислари билан журналистлар ҳамкор ва ҳамжиҳатликни ўрнига қўйишса, кўзланган мақсад рўёбга чиқаверади. Журналистлар, мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситаларининг масъул ходимлари бу борадаги дил сўзларини баён қилишди. Бундай учрашувлар анъанага айланиши маъқулланди. Журналистларга қилинган меҳнатнинг эътирофи сифатида эсдалик совғалари топширилди.

Обуначи бурчаги

СИЗНИНГ ДАРАХТИНГИЗ

Инсон ва олам

Ҳар бир инсоннинг биоэнергетика хосиятларига кўра ўзига яқин бўлган дарахти бор. Айнан у сизнинг соғлигингиз посбони ҳисобланади. Агар ўзингизни ёмон ҳис этсангиз, шу дарахтга келинг, унга суянинг, ўзингизни бўш тутиб, япроқлар шитирлашига қулоқ тутинг. Барча фикрларни унутиб уларга қўшилиб кетинг. Шунда улар ўз қувватини сиз билан баҳамлашади.

Қуйида дарахтлар ва одамларнинг туғилган кунига мувофиқ ўзаро боғлиқлиги тизими келтирилади. Бу қадимги Галлия донишмандлари томонидан тузилган.

***Январь:** 1 (олма), 2-11 (қорақарағай), 12-24 (қайрағоч), 25-31 (сарв);*

***Февраль:** 1-3 (сарв), 4-8 (жўка), 9-8 (кедр), 19-29 (қарағай);*

***Март:** 1-10 (самбит), 11-20 (жўка), 21 (эман), 22-31 (ўрмон ёнғоғи);*

***Апрель:** 1-10 (четан), 11-20 (заранг), 21-30 (ёнғоқ);*

***Май:** 1-3 (терак), 15-24 (каштан), 25-31 (шумтол);*

***Июнь:** 1-3 (шумтол), 4-13 (қайин), 14-23 (анжир), 24 (оқ қайин), 25-30 (олма);*

***Июль:** 1-4 (олма), 5-14 (қорақарағай), 15-25 (қайрағоч), 26-31 (сарв);*

***Август:** 1-4 (сарв), 5-13 (терак), 14-23 (қарағай), 24-31 (ёнғоқ);*

***Сентябрь:** 1-2 (ўрмон ёнғоғи), 3-12 (самбит), 13-22 (жўка), 23 (олхўри), 24-30 (ўрмон ёнғоғи);*

***Октябрь:** 1-3 (ўрмон ёнғоғи), 4-13 (четан), 14-28 (заранг), 29-31 (ёнғоқ);*

***Ноябрь:** 1-11 (ўрмон ёнғоғи), 12-22 (каштан), 22-30 (шумтол);*

***Декабрь:** 1 (шумтол), 2-11 (қайин), 12-21 (анжир), 22 (қора қайин), 23-31 (олма).*

Агар ўзингизга тегишли дарахтни тополмаган бўлсангиз, асло хафа бўлманг. Зеро, эман ва оқ қайин дарахтлари барчага баробар ўз қувватини улашади.

Ўғилми ё қизми?

Бу саволга японлар аниқ жавоб бериш мумкин дейишмоқда

1-жадвал

Эркакнинг туғилган ойи

Аёлнинг туғилган ойи	январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь
январь	1	5	9	1	5	9	1	5	9	1	5	9
февраль	10	2	6	10	2	6	10	2	6	10	2	6
март	7	11	3	7	11	3	7	11	3	7	11	3
апрель	4	8	12	4	8	12	4	8	12	4	8	12
май	1	5	9	1	5	9	1	5	9	1	5	9
июнь	10	2	6	10	2	6	10	2	6	10	2	6
июль	7	11	3	7	11	3	7	11	3	7	11	3
август	4	8	12	4	8	12	4	8	12	4	8	12
сентябрь	1	5	9	1	5	9	1	5	9	1	5	9
октябрь	10	2	6	10	2	6	10	2	6	10	2	6
ноябрь	7	11	3	7	11	3	7	11	3	7	11	3
декабрь	4	8	12	4	8	12	4	8	12	4	8	12

2-жадвал

Бўйида бўлиб қолиш вақти



Фойдаланиш тартиби

Мисол. Эркак июнда, аёл февралда туғилган. Бундай ҳолда 1-жадвал бўйича аёлнинг туғилган ойи ва эрининг туғилган ойи кесишган жойда 6 рақамини топамиз. У 2-жадвалдаги қатор рақамига мос келади. Сўнгра 2-жадвалда 6-қаторни топамиз ва тик устун бўйича чизиқнинг қандай жойлашганига қараймиз. Агар чизиқ графанинг юқори қисмида бўлса, ўғил, қуйи қисмида бўлса қиз бўлади. Натижада январда бўлса ўғил, февралда бўлса ўғил, мартда бўлса қиз, апрелда бўлса ўғил кутинг.

КЕЧАЛАРИ ЮЛДУЗ САНАЙМАН

Кунлар, сайёралар ва биз

Умр оқар дарё. Кеча ноябрь ойи сўнгги ҳафтаси ҳам бошланди. У ҳам кўз очиб юмгунча ўтиб кетади. Хўш, ўтган-ҳафтада режалаштириб қўйган нима ишларни қилдигу, нималарни бажара олмадик? Қайси кунлар қувонч келтирди-ю, қайси кунлари кўнглимиз ғаш бўлганича қолди. Ҳар канча уринмайлик, мўлжалимиздай бўлмайди.

Нега шундай? Ҳаммаси ҳам ўзингизга боғлиқ эмасда. Чунки ҳар бир куннинг ўз «хосияти» бор. Халқ азалдан ана шу «хосият»ларга қараб иш тутган. Баъзи бировлар, эҳтимол, буни ҳар нарсага йўйишлари мумкин. Лекин мунажжимлар ўзларича изоҳ берадилар.

ДУШАНБА — оғир кун, чунки у **ОЙ** бошқаруви остида бўлади. Ой одамларни хаёлчан қилиб қўяди, дармонсизлантиради. Ҳафтанинг шу куни диккат талаб қиладиган ишларни бошламаган маъқул.

СЕШАНБА — МИРРИХ (МАРС) куни. Асабий кун. Жанжаллашишдан ўзингизни тийинг. Акс ҳолда...

ЧОРШАНБА — МЕРКУРИЙ ҳукмрон бўлади. Энг иш юришадиган кун. Нима қилсангиз ҳам уддасидан чиқаверасиз.

ПАЙШАНБА — ЮПИТЕР куни. Амалий мулоқотлар куни. Ҳар хил алоқаларни йўлга қўйиб юбориш мумкин.

ЖУМА — ЧЎЛПОН юлдузи куни. Арзимас нарсаларга ҳам пулларни сарф-лайвергинг келади. Ўйламай-нетмай буюмлар харид қилинади. Ҳиссиётли кун.

ШАНБА — САТУРН таъсир қилади. Шу куни биз унчалик чиқишимли (гапга тушунадиган) бўлмаймиз.

ЯКШАНБА — ҚУЁШ таъсири ўзини кўрсатади. Ҳаётий кучлар жумбушга келади.

(«Обуначи бурчаги» материалларини Алишер РЎЗИЕВ саралади).

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Одилжон ОЛИМЖОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» учун масъул), Владимир ЧЕБОТИН (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»), Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»), Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. НОСИРОВ, навбатчи Э. ЭСИРГАДИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
Газета офсет усулида А—2 форматда 26.845 нусхада босилди
Ҳажми 2 босма табоқ
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 0627

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21. 30
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Внимание руководителей автопредприятий!
Ташкентский филиал АО УЗАСК «Йўловчи» предлагает ЗАПЧАСТИ на автомобили

	Наименование продукции	Ед-ца измер	количество	цена за ед-цу
	ГАЗ - 24			
А	Фильтр маслянный	шт.	208	100
	Накладки сцепления	шт.	42	80
	Шаровые пальцы рулевых тяг (на 1 автомобиль)	к-т	33	2889
	Накладки тормозные (длинные)	шт	176	80
	Диафрагмма бензонасоса в сборе	шт.	217	168
	Кольца поршневые р 92.50	шт.	217	160
		к-т	8	1236
	Втулки резьбовые с болтами	к-т	20	2320
В	Вкладыши шатунные стандарт; 0. 25 ; 0 75; 1. 50;	к-т	39	1250
	Вкладыши коренные стандарт; 0. 25; 0. 75;	к-т	38	1320
Т	Крышка распределителя	шт.	90	168
	Карданный вал	шт.	3	6120
	Водяной насос	шт.	3	8880
	Рулевой механизм	шт.	2	35650
	Подшипник № 7606	шт.	23	600
	Подшипник № 7607	шт.	50	600
	Автошины 185х15 (РАФ)	к-т	200	8000
	ГАЗ - 53			
О	Клапан впускной	шт.	43	206
	Клапан выпускной	шт.	36	206
	Прокладка головки блока	шт.	30	540
	Диафрагма бензонасоса	шт.	63	144
	Ремкомплект вакуум.	к-т	84	141
	Трос спидометра L-3,0м; L-2.00м; L-1.80м; L-1.60м; L-1.5м; L-0.3м.	шт.	223	590
	ЗИЛ - 130			
З	Кольца поршневые Р-100.5; 101.0; 100,0	к-т	418	720
	Втулки шкворней	шт	2459	30
	Поршень (стандарт)	шт	118	700
	Накладки тормозные (задние, широкие) А-С	шт	6	190
	Синхронизатор 4-5 передачи	шт	212	190
		шт	16	2160
А	Вкладыши шатунные стандарт; 0.25; 0.50; 0.75; 1.00; 1.50.	к-т	39	650
	Синхронизатор 2-3 передачи	шт	52	2430
	Прокладки г/б Урал	шт	18	600
	Тормозные шланги	шт	20	290
	Подшипник N 114 (подвесной опоры кардана)	шт	19	550
	КАМАЗ			
П	Прокладки клапанной крышки (на 1 двигатель)	к-т	112	1480
	Вкладыши шатунные стандарт; р-1,р-2,р-3, р-4,р-5,р-7	к-т	72	3800
	Вкладыши коренные стандарт; р-1,р-2,р-3, р-5,р-6,р-7	к-т	73	3800
Ч	Фильтр воздушный	шт	26	2885
	ТЕНТ — 54117	шт	1	60000
	Плунжерные пары	шт	47	2520
	Распылитель	шт	81	960
	Фильтр масленный	шт	602	250
	Ремень 1320	шт	350	280
	Фрикционные накладки (со стружкой) А/С	шт	1348	300
А	Гильза, поршень (на 1 двигатель)	мк-т.	9	30000
	Флешпер 260 х 508	шт	130	192
	Автокамеры 260 х 508	шт	62	1760
	МАЗ			
С	Накладки тормозные ЛИАЗ, ЛАЗ, ИКАРУС, (зад) СУПЕРМАЗ (зад)	шт	924	350
	Накладки тормозные МАЗ-500 3502105 (зад)	шт	205	300
	Фрикционные накладки	шт	1000	400
	Распылитель	шт	236	540
	Ремень 887	шт	72	312
	Ремень 937	шт	72	312
	Ремень 987	шт	73	312
	КРАЗ			
Т	Накладки тормозные МАЗ-200 3501105 А/С	шт	1060	180
	ПРОЧЕЕ			
	Ремень 1250 (Икарус)	шт	86	300
	Пистолет заправочный	шт	51	1300
	Пудра алюминовая А-С	кг	180	540
	Тормозная жидкость красная	бут	284	170
И	Тормозная жидкость желтая	б ут	51	220
	Домкраты5 тн	шт	17	3600
	АВТОЛАМПЫ В АССОРТИМЕНТЕ			

А также более 150 наименований по маркам автомобилей
Оплата по перечислению и векселями по договоренности.
Адрес: г. Ташкент, ул. Айбека, 47.
Тел: (3712) 54-93-07. Факс: (3712) 54-76-31.

БИР ОЛИМНИНГ ИККИ ТЎЙИ

Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида атоқли педагог олим Йўлдош Абдуллаев таваллудининг етмиш, илмий-ижодий фаолиятининг эллик йиллигига бағишланган тантанали йиғин бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев кириш сўзи билан очиб, домланинг ўзбек тили ва адабиёти тараққиётидаги хизмати беқиёслигини алоҳида таъкидлади.

Шундан сўнг институт директори Даврон Шодиев, адабиётшунос олим Қозоқбой Йўлдошев ва бошқалар ҳам бу маърифатпарвар инсоннинг илмий ва педагогик салоҳияти тўғрисида сўз юритдилар. Кеча охирида янграган дилбар куй ва наволар ажиб машваратга файз бағишлади.

Моҳинур ҚОДИРОВА.

Очиқ Жамият Институти — Ўзбекистон саёҳат грантларига конкурс очилганлиги тўғрисида эълон килади

Конкурс халқаро конференциялар семинарларда катнашмоқчи бўлган шахслар учун ва қисқа муддатли ўқишга қабул қилинган ва харажатларни ўзи қоплай олмайдиган шахслар учун ўтказилади.

Конкурс фақат Ўзбекистон фуқаролари учун қуйидаги соҳалар бўйича ўтказилади: таълим, (ўрта, олий, малака ошириш) профессионал ривожланиш, санъат ва маданият, фуқаро жамияти, демократик институтларни қуриш, ҳуқуқий ислоҳот, соғлиқни сақлаш соҳасида ислоҳотлар, экология.

Тўлароқ маълумотни ва ариза формасини Очиқ Жамият Институти — Ўзбекистон офисидан олишингиз мумкин.

Бизнинг манзилгоҳ: Тошкент 700011. Абдулла Қодирий кўчаси, 11, иккинчи қават («Ўзбектаъмиршунослик» биноси). Навоий ва «Пахтакор» метро бекатлари. «Қора Аждарҳо» («Черный дракон») дўкони ва Меҳнат вазирлиги яқинида жойлашган.

Тел./Факс (3712) 41-86-04 ва 41-71-04 **электрон почта** <osi a osi.silk.org>

Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерлар ва аудиторлар» ассоциацияси шуни маълум қиладики, лицензияли аудиторлар янги гуруҳининг **МАШҒУЛОТИ** 1996 йил 3 декабрда **БОШЛАНАДИ**

Манзил: Тошкент, Ниёзбек йўли (собиқ Урицкий) кўчаси, 6.

Телефонлар: 34-01-87, 35-72-51.

«Ўзбекистон овози» газетаси меҳнат жамоаси таҳририятнинг собиқ ходимаси, меҳнат фахрийси **Солиҳа КАРИМОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар С. Раҳимов туманидаги 2-туғуруқхона жамоаси ва акушерлик гинекология кафедраси ходимлари туғуруқхона бош шифокори Урол Абдусаматовга отаси **Абдусамад ота АҲМЕДОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.